

**№ СРIO-1455/ИРТВ - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “20” январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги № 45-01-07/1159 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси” номидан Руҳим (Устав, Низом, рўйхатга одинганлик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Роҳе бинеборе М. Солисев (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептими) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгилаган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнинда амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар кўрсатиш учун шартноманинг умумий миқдори 519 483,87 (беш юз ўн тўққиз минг тўрт юз саксон уч сўм 87 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан: 132 000,00 (бир юз ўттиз икки минг сўм 00 тийин) сўм миқдорда 15% КҚСни ҳисобга олган ҳолда ойлик Абонент тўлови ва 123 483,87 (бир юз йигирма уч минг тўрт юз саксон уч сўм, 87 тийин) сум миқдорда 15% КҚСни ҳисобга олган ҳолда бир марталик 2021 йил учун карздорлик тўлови.

Ундан бюджет хисобдан 519483,87

Бюджетдан ташқари хисобдан

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичida ушбу Шартномада қўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан қўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар қўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида қўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар қўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишина истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори қўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда қўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиши тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкензумуманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нўрмаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф қўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равиша хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташқилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттиrsa ва

Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31-Декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн)** календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: АК "Ўзбектелеком" «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали Манзил: Тошкент, А. Темур кўчаси, 97 А. Тел: (99) 836-7600 Электрон почта: b2b@uztelecom.uz Банк маълумотлари: хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088 АТБ Алоказабанк МФО: 00401 ИНН: 203366731 ОКЕД: 61100 Тўловчининг рўйхатдан ўтирилган ҚҚС 326 030 018-817 Оператор номидан: Директор ўринбосари м.ў.	АБОНЕНТ: “Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси” Манзил: Узбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов Куч., 3 уй тэл.: 120-76-00, факс: 120-76-41 Х/Р: 2340 4000 6004 4793 9327 «Алоказабанк» Тошкент ш. бош офиси. Банк коди: 00401 СТИР: 200 794 867 Банк маълумотлари: х/р: СТИР: МФО: Банк номи: Тел: E-mail: Абонент номидан: М.ў.
---	--

Техник қўллаб-кувватлаш: 1155

Ижрочи: Ильясов И.Р.

Тел.: (+998 99) 836-7380

Электрон почта: iilyosov@uztelecom.uz

Хон А.Е.

Ильясов / *Н. Солеев*



Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

№	Хизмат номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	Нархи (қиймати) ҚҚС билан
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	IPTV хизмати учун 2021 учун қарздорлик	123 483,87	Нархнома	1	123 483,87
II. Ойлик тўловлар					
2.1	IPTV хизматига кириш учун абонент тўлови «IPTV - 10» тарифи оркали.	12 000,00	Нархнома	11	132 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					255 483,87

Жами олдиндан тўлов миқдори 255 483,87 (икки юз эллик беш минг тўрт юз саксон уч сўм 87 тийин) сўм, шу жумладан 15% ҚҚС миқдорида.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар кўрсатиш учун шартноманинг умумий миқдори 519 483,87 (беш юз ўн тўқиз минг тўрт юз саксон уч сўм 87 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан: 132 000,00 (бир юз ўттиз икки минг сўм 00 тийин) сўм миқдорда 15% ҚҚСни хисобга олган ҳолда ойлик абонент тўлови ва 123 483,87 (бир юз йигирма уч минг тўрт юз саксон уч сўм, 87 тийин) сўм миқдорда 15% ҚҚСни хисобга олган ҳолда бир марталик 2021 йил учун қарздорлик тўлови.

Ундан бюджет хисобдан _____

Бюджетдан ташқари хисобдан _____



Директор ўринбосари _____ / Xон А.Е. /

"Абонент"
Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси



/ M. Салеев

Хон Г

Салеев

01	YURIDIK BOSHQARMA	No 20
imzo <i>Хон Г</i> 2022.01.20.01		

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “_____” “_____” CPIO-1455/IPTV сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди.

№	Хизматлар номи	Миқдори	Фойдаланишга туширилган сана	Бажарилганлик ҳақида белги
1.	IPTV хзматига кириш учун абонент тўлови «IPTV - 10» тарифи орқали.	11	«01» январ 2022й.	Бажарилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабул қилиш далолатномаси

№	Курилманинг дастурий таъминот номи	Миқдори	Серия коди ёки завод рақами	15% КҚСни инобатга олган холда етказиб бериш киймати, (сўмда)
1	2	3	4	5

"Оператор"

АҚ “Ўзбектелеком”
«Сотув ва хизмат кўрсатилиш маркази» филиали

Директор ўринбосари _____ / Xon A.E. /

**"Абонент"**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси



_____ / M. Сонисев

Сонисев
Сонисев

АДАМСЫЗДАРДЫҢ АКСЕЛЕРДІН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫҢ АКСЕЛЕРДІН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ
АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ
АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ

АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ
АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ
АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ	АДАМСЫЗДАРДЫН СИМВОЛЫ



01 YURIDIK BOSHQARMA № 20

imza 2022 v 20.01